

---

## ЖОРИЙ ҲАМДА МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛМОҚДА

Марғилон шаҳар Электр таъминоти корхонаси томонидан жойларда электр узатиш тармоқларини жорий ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳарнинг "Хўжа Порсо" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини электр энергияси билан таъминловчи 222А-сонли трансформатор пунктдан чиқувчи 0,4 кВли электр узатиш тармоқлари ва электр қурилмаларида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Мутахассислар томонидан электр узатиш тармоқларини юкламасини фазалар аро тенг тақсимлаш, дарахт шоҳларидан тозалаш, салқи симларни таранглаш, таянчларни тик ва соз ҳолатга келтириш ҳамда носоз электр қурилмаларини янгилаш, созлаш ишлари олиб борилмоқда.

2023-07-12 17:34:47